

## Хоҳлагинингизни қилинг!



16:25 / 23.03.2018 5830

**Албатта, оятларимиз ҳақида эгрилик қиладиганлар Бизга махфий бўлиб қолмаслар. Оловга ташланадиган одам яхшими ёки қиёмат куни омон ҳолида келадиган одамми?! Нимани хоҳласангиз, қилаверинг. Албатта, У Зот нима қилаётганингизни кўриб турувчидир.**

Бу оят Қуръони Карим мўъжизаси бўлиб, Аллоҳнинг Биру Борлиги ва чексиз қудратига далолат қилувчи борлиқдаги оят(белги)ларга нисбатан эгрилик ила муносабатда бўлган одамларнинг аҳволини баён қилади.

**«Албатта, оятларимиз ҳақида эгрилик қиладиганлар Бизга махфий бўлиб қолмаслар».**

Уларнинг кимлиги ҳам, Аллоҳнинг оятларига нисбатан қилган эгрилик, кофирлик ва нобакорлиги ҳам – ҳамма-ҳаммаси Аллоҳнинг Ўзига равшандир. Уларнинг барча амаллари ҳисоб-китоб қилинган, дўзахга ташланадилар.

**«Оловга ташланадиган одам яхшими ёки қиёмат куни омон ҳолида келадиган одамми?!»**

Аллоҳнинг оятлари ҳақида эгрилик қиладиганлар қиёмат куни дўзахга, тўғрилиқ қиладиганлар жаннатга кирадилар. Хўш, улардан қайси бири яхши? Ҳамма нарса маълум ва очиқ-ойдин бўлди. Энди

**«Нимани хоҳласангиз, қилаверинг».**

Хоҳласангиз, қуёшга сажда қилинг. Хоҳласангиз, ойга сажда қилинг. Хоҳласангиз, Аллоҳнинг оятлари ҳақида куфр сўзлар айтинг.

**«Албатта, У Зот нима қилаётганингизни кўриб турувчидир».**

Ҳар бир ишингизни Аллоҳ таоло кўриб туради.

Қиёматда амалингизга яраша жазолайди.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*